

MITC

Ўзбекистон Республикаси Ахборот
технологиялари ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги



Электромагнит мослашув
маркази
Давлат унитар корхонаси

Электромагнит мослашув маркази давлат унитар корхонаси фаолиятини тартибга солиш юзасидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида

Хашимходжаев А.Х. – “ЭМММ” ДУК



Республика ССР
АЛОҚА МИНИСТРИГИ
МИНИСТЕРСТВО СВЯЗИ
Узбекистон ССР

ПРИКАЗ

ТАШКЕНТ

02.08.86 № 104

№ 21 от
"О создании Центра Электромагнитной Совместимости Радиоэлектронных средств (ЦЭСМ ЭСР)"

В целях совершенствования структуры управления органами Государственной инспекции электросвязи, достижения оперативной координации вопросов распределения и использования радиочастот в республике, исключения взаимных радиопомех не только ведомственным радиостанциям, но и радиосети, телевидению радиоселективным лицам и другим средствам связи за счет согласования режимов работ, используемых частот, концентрации всех учетных данных за радиомониторные средства в едином центре с использованием электроны-вычислительной техники (ЭВМ), структурной самостоятельности органов ЦЭСМ при обеспечении их контроля всех систем связи, включая и радиосредства, используемые Министерством связи УзССР и руководствуясь приказом Министра связи ССР от 23.12.86 года № 565, а также письмом № 4997 от 12.05.87 г. Министерства связи ССР, П Р И К А З Ы В А Ю:

1. Создать при Министерстве связи УзССР с 01.01.88 г. Центр Электромагнитной Совместимости Радиоэлектронных Средств (ЦЭСМ ЭСР) на базе ЦЭСМ Минсвязи УзССР, ЦЭСМ областных производственно-технических управлений связи, Самаркандской Станции Технического Радиоконтроля, ремонтно-эксплуатационного ЦЭСМ ЭСР в г. Ташкенте, по ул. Зигальса, в доме № 117, на первом этаже.

2. Утвердить Положение о ЦЭСМ ЭСР (приложение №1), устанавливая первую группу оплаты труда, норматив фонда заработной платы руководящих, инженерно-технических работников и служащих в размере 70%.

3. Начальнику УОТЗ (г. Абдурахманову С.Я.) решить вопрос создания Республиканского Центра Электромагнитной Совместимости радиоэлектронных Средств (РЦЭСМ ЭСР) в соответствующих республиканских органах.

4. Начальнику ЦЭУ (г. Нам П.Б.) внести соответствующие изменения в планы экономического и социального развития ОПТУООБ на 1986-1990 годы, вытекающие из данного приказа.

5. Начальнику УК (г. Мирзаяну А.К.):
5.1. Дополнить перечень № I приказа № 70 от 02.06.86 года министром связи УзССР, включив в него должности начальника ЦЭСМ ЭСР, перечислив № 2, включив в него должности главного инженера и главного бухгалтера ЦЭСМ ЭСР. Срок - 20.12.87 г.

5.2. Совместно с начальником ЦЭСМ ЭСР обеспечить подбор кандидатур на руководящие должности ЦЭСМ ЭСР с учетом использования имеющихся кадров Минсвязи УзССР и ЦЭСМ ОПТУООБ, а также Самаркандской ЦТК. Срок - 20.12.87 г.

6. Начальнику ЦУМТС (г. Алиеву К.Р.) внести соответствующие изменения в план материально-технического снабжения на 1987 год.

7. Начальнику УМТ (г. Рахманову Х.Д.) выдать дополнительно ЦЭСМ ЭСР в четвертом квартале 1987 года автомашину УАЗ-469 В текущий 1988 года рассмотреть возможность выделения многоместного автомобиля для передвижной лаборатории метрологической службы.

8. Начальнику Ташкентской ГТС (г. Алимову А.К.) освободить помещения второго этажа в г. Ташкенте, ул. Толстого, д. 23, с 20.11.87 г.
9. Начальнику Ташкентского ОПТУ (г. Кудимову И.Н.) освободить помещения, занимаемые в здании по ул. Зигальса, дом 117, срок - 01.12.87 г.

10. Начальникам областных производственно-технических управлений связи:
10.1. Обеспечить передачу ЦЭСМ ЭСР основных фондов, планов по трудовым доходам, объемов продукции ЦЭСМ, числящихся на балансах в планах управления.

10.2. Обеспечить передачу в аренду помещений, используемых службами ЦЭСМ, автотранспорта, с оплатой всех услуг в установленном порядке.
11. Начальнику ЦЭСМ ЭСР в месячный срок открыть расчетный счет, заказать гербовую печать, уголовый штамп, необходимые бланки, карточки учета.

Начальнику РРТ (г. Рахимову Т.Г.) в срок до 30.03.88 передать имеющиеся образцовые приборы для проверки электро- и радиотехнических измерительных приборов, а начальнику ЦЭСМ ЭСР принять их в этот же срок.

13. Порядок работы ЦЭСМ ЭСР с документами, осуществляющий через I-8 и 9-8 отделы Министерства, а также работу Республиканской и областных координационных комиссий оставить без изменений.
14. Контроль за исполнением пунктов настоящего приказа возложить на начальника Инспекции Министерства связи УзССР.

Министр

Рахимов

К. Рахимов

УЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINI NG ALOQA VAZIRLIGI
МИНИСТЕРСТВО СВЯЗИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



БУИРЎҚ

17. ИЮНЯ

1992 г.

№ 132

"О создании Центра электромагнитной совместимости"

В соответствии с Законами Республики Узбекистан "О предприятиях", "О связи", в целях совершенствования структуры управления органами Государственной инспекции электросвязи, достижения оперативной координации вопросов распределения частот между предприятиями, организациями, учреждениями, гражданами Республики Узбекистан, контроля качества оказываемых услуг связи населению по телевидению, радиосети и радиосвязи, а также в связи с необходимостью создания структуры управления в системе связи, отвечающих государственной самостоятельности Республики Узбекистан, -

ПРИКАЗЫВАЮ:

1. Создать с 01.07.92г. на базе производственных подразделений Государственной инспекции связи с функциями учета, распределения и контроля радиочастотного спектра хозрасчетное государственное предприятие - Центр электромагнитной совместимости (ЦЭСМ) Министерства связи Республики Узбекистан.

2. Назначить И.О. начальника ЦЭСМ Минсвязи УзССР тов. Чилингери И.И. с должностным окладом в размере 2300 рублей.

3. Начальнику ГИС Минсвязи УзССР тов. Исламову И.И. в месячный срок передать, а и.о. начальника ЦЭСМ УзССР тов. Чилингери И.И. принять в соответствии с возложением ЦЭСМ УзССР функции материальные ценности, имущество, основные и оборотные средства. Решить в установленном порядке трудоустройство работников. Акт приема-передачи представить в 1.08.92г. первую заместителю Министра связи тов. Рахимову Т.Г. на утверждение.

4. И.О. начальника ЦЭСМ УзССР тов. Чилингери И.И. разрабатывать и вводить в действие штатное расписание ЦЭСМ.

В месячный срок подготовить на утверждение в отдел управления и лицензионного права устав ЦЭСМ.

Переформировать договоры на материально-техническое снабжение, аренду помещений, транспортные и другие виды услуг.

Решить вопросы изготовления печатей, штампов и открытия расчетного счета в банке.

5. Первому заместителю Министра связи г. Рахимову Т.Г.

5.1. Внести предложения в Кабинет Министров при Президенте Республики Узбекистан "О внесении изменений в Положение "О государственной инспекции связи Министерства связи Республики Узбекистан", утвержденным Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 16.01.91г. № 13, в части изменения ряда функций ГИС по контролю качества связи.

5.2. В 10-ти дневный срок решить вопрос о передаче ЦЭСМ Минсвязи УзССР из ЦИОРТ одного комплекта ПТСО-2.

6. В связи с реорганизацией Государственной инспекции связи, место размещения установить по адресу: ГИС Минсвязи УзССР - ТШП Ташкент, ул.А.Толстого, дом 23 ЦЭСМ Минсвязи УзССР - 700053 Ташкент, ул.Л.Абидовой, дом №1

Министр

Рахимов

К. Рахимов





Марказни ташкил этишдан мақсад қуйидагилардан иборат бўлган:

Давлат электралоқа инспекцияси органлари томонидан радиочастота спектрини бошқаруви тизимини ривожлантириш;

Республикада радиочастота спектрини тақсимлаш ҳамда ундан фойдаланиш масалаларини тезкор мувофиқлаштириш тизимини яратиш;

Ишлатиладиган радиочастоталарни иш режимларини мувофиқлаштириш натижасида идоравий радиостанцияларда, радиоэшиттириш, телекўрсатиш ва бошқа радиоалоқа воситаларига ўзаро халақитларни бартараф этиш;

Электрон ҳисоблаш техникаси ёрдамида радиоэлектрон воситалар бўйича ягона маълумотлар базасини яратиш;

Давлат электралоқа инспекцияларининг мустақил фаолиятини рағбатлантириш.





Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Электромагнит мослашув маркази» устави

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Электромагнит мослашув маркази» оператив бошқарув ҳуқуқига эга бўлган давлат унитар корхонаси ҳисобланади.

ЭМММ ДУК радиочастота органи функцияларини, шу жумладан радиочастоталардан фойдаланишга рухсатномалар бериш, электромагнит мослашуви ҳамда радиочастота спектори мониторингини таъминлаш ишларини амалга оширади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI

YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'IRISIDA
GUVOHNOMA

Reestr № **005608-07** № **004691**
2015 yil "27" aprel

Mazkur guvohnoma **ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**
AXBOROT TEKNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSİYALARINI
RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI "ELEKTROMAGNIT MOSLASHUV MARKAZI"

Yuridik shaxsning nomi: **Yuridik shaxs berikd. TSHST (OIF)**
Tashkiliy-huquqiy shakli: **Davlat unitar korxonasi** **160**

Mulkchilik shakli: **Davlat** **MSHT (ФЧ)**
Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili: **213**
FARG'ONA YO'LI KO'CHASI, 15-UY **MHBT (COATO)**
1726290

Yuridik shaxs kodi: **KTUT (OKHO)**
04173298
Asosiy faoliyat turi: **Elektir va radio aloqasi** **XXTUT (OKOHX)**
52300

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami: **STR (HBB)**
201057444

Qo'shimcha ma'lumotlar: Avval, Chilonzor TSRO 1-tin 03.01.2013da 08-00075-11 r/ b-n 0-0-0-0-n
O'ZB.R. ALOQA, AXBOROT VA TEL-YA TEX-LARI DAVLAT QO'RIQLI SI
"ELEKTROMAGNIT MOSLASHUV MARKAZI" sifatida ro'yxatga olingan

Vakolati organ boshlig'i: **I.A.Normatov**

Ushbu guvohnoma davlat ro'yxatidagi hujjat sifatida qabul qilinadi va uning asl nusxasi davlat ro'yxatidan o'tkazilgan.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2015 йил 27 апрелдаги 176-сон бўйича қарори билан белгиланган.

Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi
Elektromagnit moslashuv markazi davlat unitar korxonasi

УСТАВИ

Тошкент – 2015 йил





Корхонанинг Уставининг 9-банди

II. Асосий вазифалари

радиочастота органи функцияларини бажариш;

радиочастота спектри ҳамда радиоэлектрон воситалардан ҳавфсиз равишда фойдаланишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаролар мақсадларига мўлжалланган РЭВ ҳамда ЮЧҚларнинг ишчи радиочастота ҳамда чақирув сигналларини бериш ва ҳисобга олиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектри радиомониторингини олиб бориш;

радиочастоталарни тақсимлаш ва тақдимлашда электромагнит мослашувни таъминлаш;

радиоэлектрон воситаларга бўладиган радиохалақитларни бартараф этиш;

радиочастота спектридан ноқонуний ва руҳсатсиз фойдаланишни олдини олиш;

радиочастоталар бериш ҳамда электромагнит мослашуви ҳисоби бўйича автоматлаштирилган маълумотлар базаси тизимини юритиш ва мунтазаам такомиллаштириб бориш;

радиочастота спектридан фойдаланувчилар томонидан РЧРК қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;

радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳукукий меъёрларни, Халқаро электралоқа иттифоқи ва бошқа халқаро ташкилотларнинг кўрсатма ва тавсияномаларини амалга ошириш.





III. Функциялари

- ЭМММ ДУК ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Вазирлик томонидан ажратилган радиочастоталар полосалари чегарасида РЭВ ҳамда ЮЧҚларни харид қилиш (бериш), сотиш, лойиҳалаштириш, қуриш (ўрнатиш), фойдаланиш ҳамда уларни хориждан олиб кириш учун рухсатномалар беради;
белгиланган тартибда РЭВ ҳамда ЮЧҚ бўйича фойдаланувчиларга берилган радиочастота ва чақирув сигналларининг ҳисобини олиб боради;
республика барча ҳудудларида радиочастота спектри ҳамда қўшни давлатлар ҳудудидан кирувчи радионурланишлар мониторингини олиб боради;
радиочастота спектридан хавфсиз фойдаланиш техник воситалари ҳамда радиомониторинг тизимини бошқарилишини амалга оширади;
РЭВларга, шу жумладан, халқаро шартнома ва қоидаларига мувофиқ амал қилаётган халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар томонидан ишлатилаётган РЭВларга бўладиган радиохалақитларни бартараф этади;
бошқа қизиққан ташкилотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар билан ҳамкорликда РЭВ ҳамда ЮЧҚларни ноқонуний сотиш, фойдаланиш, чет давлатлардан олиб кириш ҳамда рухсатномаларсиз ишлатилишини аниқлаш ва бу ҳолатларни бартараф этади;
белгиланган стандарт ва техник меъёрларга мувофиқ бўлмаган, фуқаролар хавфсизлигига ҳамда аτροφ-муҳитга хатарли вазият яратилиши, шунингдек бошқа алоҳида шароитларда, белгиланган тартибда РЭВ ҳамда ЮЧҚлардан фойдаланишни ман этади;
бошқа ваколатли органлар билан ҳамкорликда электромагнит мослашувини таъминлаш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқади;
электромагнит мослашуви ҳисоби ишларини, электромагнит шароитни аниқлаш бўйича ўлчашларни амалга оширади ҳамда манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга тегишли хулосаларни беради;
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик ва жисмоний шахслар томонидан РСДдан фойдаланиш борасидаги меъерий ҳужжат, қоида ва стандартлар талабларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;





Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор вазирлик ва идоралари билан РЭВ ҳамда ЮЧҚдан фойдаланиш бўйича зарурий келишувларни амалга оширади; қўшни давлатлар маъмуриятлари билан радиочастота тақдимотларини фойдаланишни мувофиқлаштириш масалалари бўйича шартномаларни ишлаб чиқишда қатнашади;

республика ҳудудида фуқаролик мақсадларида фойдаланишга мўлжалланган РЭВларнинг ишлатилиши ҳамда РЧСдан фойдаланиш устидан техник назоратни амалга оширади;

РЭВ ҳамда ЮЧҚдан радионурланиш меъёрларига мувофиқ равишда фойдаланилиш, электрқурилмалар, механизмлар, аппарат ва асбобларнинг радиоқабулдаги халақитларни бартараф этувчи зарурий мосламалар билан жиҳозланиши юзасидан техник назоратни амалга оширади;

манфаатдор идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда ноқонуний равишда фойдаланилаётган РЭВ ҳамда ЮЧҚларни аниқлаш ва уларнинг ишлатилишини тўхтатиш чораларини кўради;

радиочастота органлари билан белгиланган тартибда турғун, кўчувчи радиомарказларни ҳамда бошқа РЭВларни қуриш ва кенгайтириш учун ер майдонларидан фойдаланиш имкониятини келиштиради;

РЭВ ҳамда ЮЧҚ, электрқурилмалар, машиналар, аппаратлар ва асбобларнинг электромагнит мослашувини ҳамда радиочастоталардан фойдаланишини белгиловчи, шунингдек саноат халақитлари меъёрлари бўйича стандартлар ва техник шартлар лойиҳалари юзасидан таклифлар киритади ва ҳулосалар беради;

РЭВларнинг электромагнит мослашувини таъминловчи частотали-худудий тарқатиш меъёрларини ишлаб чиқишда таклифларни ишлаб чиқади ва киритади; РЧСдан фойдаланиш билан боғлиқ, ташкилий-техник тадбирларларни ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

радиочастоталардан фойдаланиш масалалари бўйича бутунжаҳон ва минтақавий радиоконференцияларга, хорижий давлатлар маъмуриятлари билан музокараларга таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

республика ҳудудида жойлашган хорижий давлатларнинг дипломатик ва консуллик ваколатхоналари, хорижий фирма ва банкларининг ваколатхоналари, шунингдек халқаро ташкилотларнинг РЭВларининг радиочастота тақдимотларини рўйхатга олиш ишларини белгиланган тартибда олиб боради;





юрidik ва жисмоний шахсларнинг радиочастоталарни ажратишга берган буюртмаларининг техник экспертизасини амалга оширади ва улардан фойдаланиш юзасидан таклифлар киритади;

тегишли фаолият турига лицензия расмийлаштириш учун радиочастоталардан фойдаланишнинг техник имконияти мавжудлиги тўғрисидаги эксперт хулосасини беради;

РЧС ҳамда РЭВлардан фойдаланиш бўйича зарурий маълумотларни тайёрлайди ва уларни тегишли давлат бошқаруви идораларига тақдим этади;

дам олиш зонасини фойдаланишга тайёрлигини таъминлаш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларни жойлаштириш ва дам олиши бўйича хизмат кўрсатади;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган фаолиятнинг бошқа турларини амалга оширади;

оператив бошқарувни амалга оширади, шунингдек ўз балансидаги мулкка эгалик қилади, устав фаолияти доирасида Вазирлик рухсати билан ундан мақсадли фойдаланади ҳамда қонунчиликка асосан бошқаради.





Марказий аппарат

Бошлиқ

ЭМММ бошлиғининг
биринчи ўринбосари

Бошлиқ ўринбосари

Бухгалтерия

Иқтисодий таҳлил
ва маркетинг бўлими

Кадрлар
бўлими

Харакатдаги радиоалоқа
бўлими

Турғун ва йўлдошли
алоқа бўлими

Телевидение ва
радиоэшиттирув булими

Радиочастота тақдимотларини
мувофиқлаштириш бўлими

Радионазорат ва
техник ривожланиш
хизмати

«Оқтош» дам
олиш зонаси

Транспорт ва
логистика бўлими

Моддий-техник таъминот
ва капитал курилиш
бўлими

Иш юритишни бошқариш
ва ишлаб чиқариш
жараёнлари сифатини
назорат қилиш хизмати

Ахборот хавфсизлиги ва
дастурий махсулотларни
таъминлаш бўлими





Тизимий булимлар

Самарқанд
вилояти ЭММХ

Андижон
вилояти ЭММХ

Бухоро
вилояти ЭММХ

Жиззах
вилояти ЭММХ

Қашқадарё
вилояти ЭММХ

Навои
вилояти ЭММХ

Наманган
вилояти ЭММХ

Қорақалпоғистон
Республикаси
ЭММХ

Сурхондарё
вилояти ЭММХ

Сирдарё
вилояти ЭММХ

Фарғона
вилояти ЭММХ

Хоразм
вилояти ЭММХ





Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спекторни радиомониторингини олиб бориш ЭМММнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мазкур вазифа Тошкент ва Тошкент вилоятида Радионазорат ва техник ривожланиш хизмати томонидан, ҳамда вилоятларда электромагнит мослашув хизматлари томонидан амалга оширилади.


Радиочастоталар мониторинги тизими радиочастотали ресурслардан фойдаланишни режалаштириш тизими билан бир қаторда, радиочастотали спектрдан фойдаланишни бошқариш тизимининг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади.

Радиочастоталарни янада асосли белгилаш, уларнинг фойдаланишга тайёрлигини назорат қилиш ва РЭВ'лар электромагнит мослашувни (ЭММ) таъминлаш бўйича тезкор чоралар кўришга имкон берувчи, радиоэфир ҳолати ҳақида мавжуд ахборотларни олишнинг ягона воситаси сифатида радиомониторинг РЧС'дан фойдаланишни бошқариш жараёнида муҳим ўрин тутди. Радиомониторинг – бу спектрдан фойдаланишни бошқариш жараёни «кўзи ва қулоғидир».

Корхона томонидан ЭМММ радиомониторинг тизимини қуриш 1999 йилда бошланган ва фойдаланишга топшириш бир нечта босқичда амалга оширилди. Ушбу тизимни бошқариш маркази жиҳозланган ҳамда радиомониторинг ва пеленгация стационар станциялари (РМПС), радиотўлқинлар тарқалиши зоналарини моделлаштириш ҳамда яхшилаш мақсадларида ўлчаш-тест синовлари комплекслари ишга туширилган, мобил РМПС'лар етказиб берилди.



СТРУКТУРА НАЦИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ РАДИОМОНИТОРИНГА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН




Развитие Национально системы радиомониторинга Республики Узбекистан в период 2002-2021 годы

		2002	2005	2006	2009	2013	2020	2021
1	Г. Ташкент							
2	Андижанская область							
3	Бухарская область							
4	Джизакская область							
5	Кашкадарьинская область							
6	Навийская область							
7	Наманганская облбасть							
8	Самаркандская область							
9	Сырдарьинская область							
10	Сурхандарьинская область							
11	Ферганская область							
12	Хорезмская область							
13	Республика Каракалпакстан							
	Всего:	1 КВ стационар 3 РКП 1 мобильная	1 КВ стационар 8 РКП 6 мобильных	1 КВ стационар 9 РКП 12 мобильных	1 КВ стационар 17 РКП 14 мобильных	1 КВ стационар 18 РКП 17 мобильных	1 КВ стационар 24 РКП 21 мобильных	1 КВ стационар 26 РКП 21 мобильных



- стационарный радиоконтрольный пункт



- стационарный региональный радиоконтрольный пункт




- система мониторинга и пеленгации КВ диапазона




- мобильная станция технического радиоконтроля


Охват Национальной системы радиомониторинга Республики Узбекистан в 2002 году




Охват Национальной системы радиомониторинга Республики Узбекистан в 2006 году



Охват Национальной системы радиомониторинга Республики Узбекистан в 2009 году



Охват Национальной системы радиомониторинга Республики Узбекистан в 2013 году





Ўлчов турлари:

- Электромагнит майдони кучланишини ўлчаш
- Частотани ўлчаш
- Спектрнинг эгалланганлигини ўлчаш
- Частота тасмаси кенглигини ўлчаш
- Модуляцияни ўлчаш
- Радиопеленгация и жойлашини аниқлаш
- Узаткични идентификацияси
- Рухсат этилганга нисбатан спектрни амалиётда эгалланганлигини ўлчаш
- Рухсат этилган параметрлардан нурланишни ортиб кетишини ўлчаш
- Сигналларнинг интермодуляцияси анализи
- Сигналларнинг статистический анализи
- Автоматик ўлчовлар





Республикамизда амал қилаётган радиочастота спектри тўғрисидаги барча қонун ва қонун ости ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектридан (РЧС) фойдаланишни тартибга солиш, электромагнит мослашувни таъминлаш, РЧСдан фойдаланишнинг самарадорлигини, рационаллигини ва хафсизлигини ошириш, халқаро ташкилотлар фаолиятида республика радиоалоқа хизматлари манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.



Space Frequency Coordination Group





Радиочастота спектрига оид Қонун ва Қонун ости ҳужжатлар

- 1998 йил 25 декабрдаги “Радиочастота спектри тўғрисида”ги 725-І-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 22 октябрдаги “Радиочастота спектрини бошқаришни ташкил қилиш ва фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2053-сон Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги “Радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида рухсат этиш ҳамда радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида” 801-сон Қарори.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ РАДИОЧАСТОТА СПЕКТРИ ТЎҒРИСИДА

25.12.1998 й.

N 725-I

4-модда. Радиочастота спектрини тақсимлаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида радиочастота спектридан фойдаланувчиларга радиочастоталарни тақсимлаш ваколатли давлат органларининг мутлақ ҳуқуқидир.





5-модда. Радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш

Радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида давлат томонидан тартибга солиш сертификатлаш, лицензиялаш, солиқ солиш, ягона илмий-техника сиёсатини шакллантириш йўли билан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа воситалар билан амалга оширилади.

Радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган радиочастота спектри бўйича давлат бошқарув органи амалга оширади.





6-модда. Радиочастота спектри бўйича давлат бошқарув органининг ваколатлари

Радиочастота спектри бўйича давлат бошқарув органи:

- радиочастота спектрини тақсимлаш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади;
- радиочастота спектрини тақсимлаш ва ундан фойдаланиш масалалари бўйича норматив ҳужжатларни, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш бўйича давлат стандартлари, техник шартлар, ишлатиш нормалари ва қоидалари ҳамда бошқа норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқади;
- радиочастота органлари ўртасида радиочастоталар полосаларини тақсимлайди, радиочастоталарни тақсимлаш миллий жадвали ва радиоалоқа миллий регламентини шакллантиради;
- радиочастота органларининг радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;
- ажратиладиган радиочастоталар ёки радиочастоталар полосаларининг техник экспертизасига оид ишларни ташкил этади;
- радиочастота спектридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади;
- радиочастота спектри тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;
- радиочастота спектридан фойдаланиш масалалари бўйича халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифода этади;
- радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Радиочастота спектри бўйича давлат бошқарув органи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.





7-модда. Радиочастота органлари

Радиочастота органлари жумласига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати





**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 10 апрелдаги
87-сон қарорига
ИЛОВА**

**Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисида
НИЗОМ**

5. Вазирликнинг электромагнит мослашув ва радиочастота спектри мониторингини таъминлаш бўйича радиочастота органи сифатидаги функциясини "Электромагнит мослашув маркази" Давлат унитар корхонаси бажаради.





8-модда. Радиочастота органларининг ваколатлари

Радиочастота органлари:

- радиочастоталардан фойдаланиш учун рухсатнома беради;

- радиочастоталар спектри бўйича давлат бошқарув органи томонидан ажратилган радиочастоталар полосалари доирасида радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет эллардан олиб кириш учун рухсатнома беради;

- радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар белгиланган стандартлар ва техник нормаларга номувофиқ бўлган, фуқароларнинг хавфсизлиги, атроф-муҳит муҳофазасини таъминламаган тақдирда, шунингдек алоҳида ҳолатларда уларни ишлатишни белгиланган тартибда тақиқлайди;

- фойдаланувчиларга берилган радиочастоталар ҳисобини юритади, шунингдек радиочастота спектридан радиочастота спектри бўйича давлат бошқарув органи томонидан белгиланган тартибга мувофиқ фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;

- радиоэлектрон воситаларга, шу жумладан, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг халқаро шартномалар ва қоидаларга мувофиқ фаолият кўрсатаётган радиоэлектрон воситаларига бўлган радиохалақитларни бартараф этади;

- бошқа ваколатли органлар билан биргаликда электромагнит мослашувни таъминлаш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқади.

Радиочастота органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ радиочастота спектри соҳасида бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги
“Радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида рухсат этиш ҳамда
радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланишни
тартибга солиш тўғрисида” 801-сон Қарори

Радиочастоталар бўйича Республика кенгаши фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган:

- мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг радиочастота ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;
- радиочастота спектрини тақсимлаш ва фойдаланиш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, радиочастоталарни тақсимлаш миллий жадвалини шакллантириш, радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида илмий-техникавий тадқиқотлар ўтказилишини ташкил қилиш;
- радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, радиочастоталарни режалаштириш, тайинлаш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги
“Радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида рухсат этиш ҳамда
радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланишни
тартибга солиш тўғрисида” 801-сон Қарори

- радиочастота спектри тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши мониторингини ташкил қилиш, радиочастота спектридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тизимли комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- радиочастота спектри тартибга солиш ва ундан фойдаланиш соҳасида замонавий технологияларни қўллаш борасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш, мазкур соҳада ягона автоматлаштирилган бошқариш тизимини яратиш ва ривожлантириш;
- радиочастота спектридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

Шунингдек мазкур Қарор билан радиочастоталар бўйича Республика кенгашининг таркиби ва радиочастоталар бўйича Республика кенгаши тўғрисидаги низом тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги
“Радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида рухсат этиш ҳамда
радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланишни
тартибга солиш тўғрисида” 801-сон Қарори

1-ИЛОВА - “Барча турдаги радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни ишлаб чиқиш, модернизация қилиш, ишлаб чиқариш ва хориждан олиб кириш учун радиочастота полосаларини (номиналларини) ажратиш тартиби тўғрисидаги Низом”;

2-ИЛОВА – “Радиоэлектрон воситаларни сотиб олиш ва (ёки) ўрнатиш, хориждан олиб кириш, эксплуатация қилишга рухсат этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом”;

3-ИЛОВА – “Юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом”;

4-ИЛОВА – “Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб кириш тартиби тўғрисида Низом”;

5-ИЛОВА – “Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олиш (бериш), сотиш ва (ёки) ўрнатиш (қуриш), хориждан олиб кириш ва фойдаланиш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил этишда вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида Низом”;

6-ИЛОВА – “Ўзбекистон Республикаси радиочастота бириктиришларини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида Низом”.